



O'zbekiston Respublikasi  
Fanlar akademiyasi  
Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси

**O'ZBEK TILI  
VA ADABIYOTI**

**ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ**

**4/2022**



O'ZBEK TILI, ADABIYOTI  
VA FOLKLORI INSTITUTI

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ  
ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

# Ўзбек тили ва адабиёти

## ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Журналга 1958 йил январда  
Ойбек асос солган

Бир йилда олти марта чиқади

4  
2022

Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси  
Ўзбек тили, адабиёти  
ва фольклори институти

Тошкент - 2022

*Бош мұхаррир:*

Низомиддин МАҲМУДОВ

*Таҳрир ҳайъати:*

Мақсад АСАДОВ  
Рахматулла БАРАКАЕВ  
Ғулом ИСМОИЛОВ  
Наим КАРИМОВ  
Баҳодир КАРИМОВ  
Дурдана ЛУТФУЛЛАЕВА  
Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ  
Сувон МЕЛИ  
Ёркинжон ОДИЛОВ  
(бош мұхаррир ўринбосари)  
Эргаш ОЧИЛОВ  
(масъул котиб)  
Гулчехра РИХСИЕВА  
Шомирза ТУРДИМОВ  
Бокижон ТЎҲЛИЕВ  
(бош мұхаррир ўринбосари)  
Алмаз УЛВИЙ  
Бахтиёр ФАЙЗУЛЛОЕВ  
Дурдана ХУДОЙБЕРГАНОВА  
Жаббор ЭШОНҚУЛОВ  
Бердак ЮСУФ  
Улуғбек ҲАМДАМОВ  
Хайрулла ҲАМИДОВ

хос бадиий тасвир усуллари товланиб турган “Ёшлик девони”даги “Барча шодлик сенга бўлсин”, “Гунча”, “Йўқ эмили орзуга айб”, “Самарканд”, “Дўст билан обод уйинг”, “Гулчехралар” каби ғазаллар аruz вазни “сир”ларини катта маҳорат билан эгаллаганидан шаҳодат беради.

**РЕЗЮМЕ.** Маколада Навоий шеъриятининг Э.Воҳидов ижодига таъсири ва унинг арунавис шонир сифатида шаклланиши борасида фикр юритиладт.

**РЕЗЮМЕ.** В статье речь идёт о влияние лирики Алишера Навои на творчество Э. Вахидова и его становления как поэта-классика.

**RESUME.** The article discusses the influence of Navoi's poetry on the work of E.Vahidov and his formation as a poet.

**Таянч сўз ва иборалар:** шеърият, ғазал, аruz, бармоқ, адабий таъсир, ўзига хослик, маҳорат.

**Ключевые слова и выражения:** лирика, газель, аruz, силлабический размер, литературное влияние, своеобразие, мастерство.

**Key words and word expressions:** poetry, ghazal, aruz, singer, literary influence, originality, skill

Фируз САФАРОВ

## ЎЗБЕК ТИЛИДА ЭГАНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Ўзбек тилшунослигига эга сўз, сўз бирикмаси, ибора билан ифодаланади деб талқин қилинади. Бироқ айрим тилшунослар эганинг морфологик восита билан ҳам ифодаланишини айтади. Жумладан Ф.Зикриллаев шундай деб ёзди: Феълиниг шахсли шакли ҳам субъектни, ҳам унинг кесимлик белгисини билдиради. Шунга кўра бундай холда шаклан (синтактик жиҳатдан) эга-кесим алоқаси намоён бўлмайди. Субъектни луғавий йўл билан ҳам ифодалаш зарурати бўлганда гапда от, олмош ва хоказо кўлланниб. эга-кесим алоқаси намоён бўлади<sup>1</sup>. Бошқа бир ўринда қуйидаги фикрни айтади: "... феълининг ўзак, негизи ва шахс, сон, ҳурмат қўшимчалари кесимликни шаклантириб, иш-харакат бажарувчиси (субъект, эга)ни ҳам англатади"<sup>2</sup>. “Ўзбек тили структурал синтаксиси” кўлланмасида шундай дейилади: Ўзбекча гапларда кесим ҳамиша шахс/сон қўшимчалари билан келади. Шахс/сон қўшимчалари эса гап эгасининг шахси ва сони ҳакида маълумот беради ва уни яна алоҳида гап бўлраги билан доимо қайтадан такрорлаб ўтиришга ҳожат қолмайди<sup>3</sup>. Бу фикрлардан келиб чиқсан, ўзбек тилида қўшимча билан ифодаланадиган, яъни морфологик эга ҳам бор деб эътироф этишга тўғри келади. Бу маколада тилимиздаги эгани шу нуқтаи назардан талқин киласиз.

Ўзбек тилида ифодаланиш усулига кўра эганинг икки тури мавжуд:  
1. Морфологик эга. 2. Луғавий эга.

<sup>1</sup> Зикриллаев Ф. Н. Ўзбек тили морфологияси. – Бухоро, 1994, 77-бет.

<sup>2</sup> Иноятов А., Зикриллаев Ф. Куръони карим оятлари мазмун-маъносининг ўзбекча изоҳли таржимаси. Муқаддима: Рух ва тил. – Тошкент: "Hilol-nashr", 2022, 48-бет.

<sup>3</sup> Нематов Х., Сайфуллаева Р., Курбонова М. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари (филолог талабалар учун қўлланма). – Тошкент: "Университет", 1999.

Морфологик эга феълнинг ўзак, негизи ҳамда кесимдаги шахс, сон ва ҳурмат кўшимчалари орқали ифодаланади. Масалан, ўқи, ишила деганда иккинчи шахс, бирлик маъносини билдирувчи эга (*сен*) англашилиб туради. Ўқиятман, бордим, келдиг, ўқиди, биласан, талабамиз, сахийсан, омадлисиз каби тусланинг сўзларда шахс, сон ва ҳурмат кўшимчалари (-ман, -м, -нг, -ди, -сан, -миз, -сиз) биринчи, иккинчи, учинчи шахсдаги эга (*мен, сен, биз, сиз, у*)ни билдиради. Ўзбек тилида эганинг морфологик восита билан ифодаланиши ўзбек адабий тили қурилишининг бош хусусияти (тежамкорлик)<sup>4</sup> билан боғлик. Бунда эга вазифасидаги сўз тежалади.

Лугавий эга сўз, сўз биримаси, ибора билан ифодаланади (анъанавий маънодаги эга): *Мен ўқиятман. Сен биласан. У ўқиди. От тала-бамиз. Сен сахийсан. Сиз омадлисиз.* (сўз билан ифодаланган), *Икки киши келди. Сувонжоннинг калтакка тоқат қишини Ойсулувга байдар алам қилди.* (С.Анорбоев) (садда ва кенгайган сўз биримаси билан ифодаланган), *Биламан. Нигорим, кишининг кўнглиши олиши жаҳонда қийин...* (С.Анорбоев, Оқсой) (ибёра билан ифодаланган).

Морфологик ва лугавий эга орасида маънодошлиқ мавжуд. Чунки уларнинг уч хил грамматик маъноси (шахс, сон ва ҳурмат) ўхшаши. Жумладан -м, -ман, -(а)й ва мен, феълининг ўзак, негизи (ўқи, ишила), -нг, -сан ва сен, -к, -миз, -(а)йлик ва биз, -сиз, -(и)нгиз, -(и)нг (боринг, ишиланг) ва сиз, -ди, -(и)бди, -ган, -япти, -(а)р, -ади (-йди), -са, -ши, -моқчи, исмий кесимнинг III шахс шакли (*Талаба. Талаба эди*) ва у, улар, эга вазифасидаги от ва отлашган сўз тўлиқ ёки қисман маънодоши. Маънодоши воситаларнинг денотатив хусусияти мос келиб коннотатив (услубий) хусусияти фарқ қиласи. Бажарувчини таъкидлаш зарур бўлмаганда морфологик эганинг ўзи қўлланади. Бажарувчини таъкидлаш зарур бўлса, яъни хиссий баёнда лугавий эга (кишилик олмоши) қўлланади (асосан I, II шахсда).

Юкорида айтилганидек ўзбек тилида эга морфологик восита билан ифодаланганидан лугавий эга доим ҳам қўлланмайди. Лугавий эганинг қўлланини шахсда фарқ қиласи. I ва II шахсда лугавий эга морфологик эгани таъкидлаш зарур бўлганда ишлатилади: *Мен кўнмадим.* (Р.Файзий, Чўлга баҳор келди). *Сен чиндан ҳам гўзалсан, Ҳузурингга келдим бот.* (А.Орипов) *Мен учун энди бу жаҳонда ёлгиз сиз борсиз, холос!* (О.Ёқубов, Эр бошига иш тушса) *Самарқанду Бухорони бизлар қурганимиз.* (А.Орипов) Биринчи, иккинчи мисолда лугавий эга тема вазифасини бажарувчи морфологик эгани таъкидлаган, учинчи, тўртичи мисолда рема бўлиб келган. Таъкид назарда тутилмаса, лугавий эга қўлланмайди, тежалади: *Пулни олмадим, минг марта розиман, сизга она сутидай ҳалол бўйсин..* (А.Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари) – Яхшиликча эгардан туши-у, қўлини кўтар. (П.Турсун, Ўқитувчи) Биринчи мисолда I шахсдаги лугавий эга (*мен*), иккинчи мисолда II шахсдаги лугавий эга (*сен*) икки марта тежалиган.

III шахсда лугавий эга асосан морфологик эгани аниқлаштириш учун қўлланади. Масалан, келди деганда ким ёки нима келгани номаълум. Лугавий эга қўлланганда бажарувчи аниқлашади: *Укам келди. Анвар келди. Лайлак*

<sup>4</sup> Зикриллаев Ф.Н. Рухватил. – Тошкент: "Фан", 2018, 62–65-бетлар.

келди. Баҳор келди. Автобус келди. Шунинг учун III шахсда луғавий эга I, II шахсга нисбатан кўп қўлланади. Микроматнда айни бир бажарувчи ҳақида сўз бориб уни таъкидлаш назарда тутилмаса, луғавий эга матн бошида бир марта қўлланади, кейинги гапларда бажарувчи морфологик эга орқали ифодаланади: Тонг отди. Гани ака боши оғриб уйғонди. Кийиш-бошини алмаштириб, сойга ўтди. Сувга тушди. Қайтди. Булоқ бошида тўхтади. Яқиндаги дард-аламларини эслади. Хомушланди. (Ш.Холмирзаев, Ҳаёт абадий) Бу микроматнадиги луғавий эга қўлланмаган гапларда бажарувчи (*Гани ака*) морфологик эга билан ифодаланган. Бажарувчиши таъкидлаш назарда тутилса, микроматнда III шахсдаги луғавий эга ҳам бир неча марта қўлланиши мумкин: Шу киши бориб-бориб ҳамма шини машина қиласди дейдилар. Трактор ер ҳайдар экан. трактор чигит экар экан, трактор чотиқ қиласар, пахта терар, гўзани юлар экан. (А.Қаххор, Қўшичинор чироқлари) Иккинчи, учинчи, тўртинчи гапда луғавий эга морфологик эга орқали ифодаланган темани таъкидлашга хизмат қилган, бешинчи, олтинчи гапда таъкид даражаси юкори бўлмаганилиги учун луғавий эга қўлланмаган, бажарувчи морфологик эга (-ар экан) орқали ифодаланган.

Энди ўзбек тилида морфологик эга ҳам мавжуд деган нуктаи назардан содда гапнинг тузилишига кўра (эга қўлланишига кўра) таснифини баён қиласмиз. Содда гап морфологик эганинг мавжудлигига кўра иккига бўлинади: 1. Эгали гап. 2. Эгасиз гап.

Морфологик эга мавжуд бўлган гап эгали гап ҳисобланади: Кел. Бордим. Бишасан. Ўқитувчисиз. Каттасиз. Мен бордим. Сиз ўқитувчисиз. Эгали гапда луғавий эга бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Луғавий эганинг қўлланишига кўра эгали гап икки турга бўлинади: 1. Луғавий эгасиз гап. 2. Луғавий эгали гап.

Луғавий эгасиз гапда сўз билан ифодаланадиган эга қўлланмайди: Ўқи. Қишилоқдан келдим. Университет талабасисан. Уйига кетди. Ширин экан. Демак бундай гап эгасиз эмас (эгали), луғавий эгасиз гапдир<sup>5</sup>. Бундай гапда луғавий эга тежалади.

Луғавий эгали гапда эга бирор луғавий восита билан ифодаланади: Сен ўқи. Мен қишилоқдан келдим. Сен университет талабасисан. Анивар уйига кетди. Қовун ширин экан. Бундай гапда луғавий эга нутқий максаду вазифа талаби билан (морфологик эгани таъкидлаш, ойдинлаштириш учун) қўлланади.

Эгасиз гапда морфологик эга бўлмайди, бинобарин, луғавий эга ҳам қўлланмайди. Чунки гапда луғавий эганинг мавжуд бўлиши морфологик эганинг мавжудлигига боғлик. Куйидаги гаплар эгасиз гапдир<sup>6</sup>: Қишилоққа шу йўлдан боришади. Бориши керак. Ўқиши лозим. Куттишига тўғри келади. Бу ерга тарик экса бўлади. Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. (Макол) Атов гап ва сўз-гап

<sup>5</sup> Ўрта мактаб она тили дарслигига бундай гап эгасиз гапнинг шахси (эгаси) маълум тури леб талкин қилинади. Каранг: Q o d i r o v M., N e' m a t o v H., A b d u r a i m o v a M., S a y f u l l a y e v a R., M e n g l i y e v B. Ona tili. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 8-sinti uchun darslik. To'rtinchchi nashri. – Toshkent: Cho'lpion, 2019, 66-bet.

<sup>6</sup> Эгасиз гаплар талкинида ўзбек субстанциал тилшуносиги томонидан баён этилган таснифга асосланадик. Каранг: S a y f u l l a y e v a R.R., M e n g l i y e v B.R. va b. Hozirgi o'zbek adabiy tili. – Toshkent: "Fan va texnologiyalar", 2010, 336–339-betlar.

(семантик-функционал шаклланган гап) ҳам эгасиз гапнинг ўзига хос тури: *Баҳор. Баҳор эди. – Бу ерлар ҳам Кўшичинорга қарашилими? – Йўқ.* (А.Каххор, Кўшичинор чироклари)

Хулоса сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. Ўзбек тилида ифодаланиш усулига кўра эганинг икки тури мавжуд: 1. Морфологик эга. 2. Луғавий эга. Морфологик эга феълнинг ўзак, негизи ҳамда кесимдаги шахс, сон ва ҳурмат қўшимчалари орқали ифодаланади. Луғавий эга сўз, сўз биримаси, ибора билан ифодаланади.

2. Морфологик ва луғавий эга орасида маънодошлик мавжуд. Чунки уларнинг уч хил грамматик маъноси (шахс, сон ва ҳурмат) ўхишаши. Маънодош воситаларнинг коннотатив хусусияти фарқ қиласи. Бажарувчини таъкидлаш зарур бўлмаганда, яъни ноҳисий баёнда морфологик эганинг ўзи қўлланади. Бажарувчини таъкидлаш зарур бўлса, яъни хиссий баёнда луғавий эга қўлланади.

3. Ўзбек тилида эга морфологик восита билан ифодаланганидан луғавий эга доим ҳам қўлланмайди. Луғавий эганинг қўлланиши шахсда фарқ қиласи. I ва II шахсда луғавий эга морфологик эгани таъкидлаш зарур бўлганда ишлатилади. Таъкид назарда тутгилмаса луғавий эга қўлланмай тежалади. III шахсда луғавий эга морфологик эгани аниқлаштириш учун қўлланади. Шунинг учун III шахсда луғавий эга I, II шахсга нисбатан кўп ишлатилади.

4. Содда гап морфологик эганинг мавжудлигига кўра икки турга бўлинади: 1. Эгали гап. 2. Эгасиз гап. Морфологик эга мавжуд бўлган гап эгали гап хисобланади. Луғавий эганинг қўлланишига кўра эгали гап икки турга бўлинади: 1. Луғавий эгасиз гап. 2. Луғавий эгали гап. Луғавий эгасиз гапда сўз билан ифодаланадиган эга қўлланмайди. Бундай гапда луғавий эга тежалади. Луғавий эгали гапда эга бирор луғавий восита билан ифодаланади. Бундай гапда луғавий эга нуткий мақсаду вазифа талаби билан (морфологик эгани таъкидлаш, ойдинлаштириш учун) қўлланади. Эгасиз гапда морфологик эга бўлмайди бинобарин луғавий эга ҳам қўлланмайди. Чунки гапда луғавий гапниг қўлланиши морфологик эганинг мавжудлигига боғлик.

**РЕЗЮМЕ.** Маколада ўзбек тилидаги морфологик эга ва унинг луғавий эга билан муносабати, содда гапниг морфологик ва луғавий эганинг қўлланишига кўра турлари тадқик қилинган.

**РЕЗЮМЕ.** В статье исследованы морфологическое подлежащее в узбекском языке и его отношение к лексическому подлежащему, а также типы простых предложений в зависимости от употреблению морфологического и лексического подлежащего.

**RESUME.** The article examines the morphological subject in the Uzbek language and its relation to the lexical subject, the types of simple sentences on the use of the morphological and lexical subject.

**Таянч сўз ва иборалар:** эга, морфологик эга, луғавий эга, маънодошлик, тежамкорлик, эгали гап, эгасиз гап, луғавий эгали гап, луғавий эгасиз гап.

**Ключевые слова и выражения:** подлежащее, морфологическое подлежащее, лексическое подлежащее, синонимия, экономия, личное предложение, безличное предложение, лексическое личное предложение, лексическое безличное предложение.

**Key words and word expressions:** subject, morphological subject, lexical subject, synonymy, economy, sentence with subject, sentence without subject, sentence with lexical subject, sentence without lexical subject.

## **МУНДАРИЖА**

### **Усмон Носир таваллудининг 110 йиллиги**

Н.Махмудов. Усмон Носир шеъриятида сўз.....	3
Х.Хамидов. Усмон Носир ижодининг Туркияда ўрганилиши.....	9

### **Тилшунослик**

Р.Давлатова, Н.Мусаева. Болалар квазидиалогик нуткида адресант ва адресат..	13
Ф.Мусаева. Диалектал номинацияда ономатоплар.....	19

### **Адабиётшунослик**

Р.Баракаев. Лев Толстой асарларининг ўзбек тилига илк таржималари.....	26
Э.Очилов. Навоий ва Оғаҳий.....	36
Г.Қурамбоева. Бахтиёр Назаров ва қорақалпоқ адабиёти.....	46

### **Илмий ахборот**

И.Исмаилов. Оғаҳийнинг тарихий-адабий асарлари бадиияти хусусида.....	51
А.Муҳаммадиев. Муҳйининг форсий девони.....	56
Й.Раҳматов. Навоий рубойларида кўлланган мақоллар хусусида .....	60
Б.Мамедов. Бадиий таржиманинг баъзи муаммолари.....	65
С.Рустамий. Атоуллоҳ Ҳусайний эънот санъати ҳақида.....	68
И.Саймуратова. Тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин.....	71
Б.Шукурова. Эстетик идеал талқинида муштараклик ва ўзига хослик.....	76
А.Давронов. Мустақиллик даврида Ҳамза хаёти ва ижодининг ўрганилиши...80	
О.Жумабоев. Рамзий тасвир имкониятлари.....	83
М.Ҳафизова. Эркин Воҳидов арунавис шоир сифатида .....	86
Ф.Сафаров. Ўзбек тилида эганинг ифодалапиши.....	89
У.Йигиталиев. Бир бош бўлакли гаплар семантикасида “шахс” актантининг ифодаланиши.....	93
А.Уралов. Морфологик бирликларда тежаки принципи ва унинг кўринишлари..98	
М.Сайдалиева. Исм кўйинида социолингвистик омиллар.....	104
Ж.Ўрозов. Лингвокриминалистика амалий тилшуносликнинг йўналиши сифатида.....	110
Ш.Алшанова. Матннинг прагмасемантик ва психосемантик тадқиқи.....	112
Н.Махмудова. Бирикма шаклидаги коммуникация терминлари.....	116
Ш.Қаландаров. Халқ мақолларининг лингвокультурологик талқини.....	119
Д.Эшмуродова. Синтактик сатҳда изоморфизм.....	122
Н.Шукруллоҳ ўғли. Икки изофа изохи.....	126

### **Фанимиз заҳматкашлари**

Н.Махмудов, А.Бердиалиев, Э.Очилов, А.Худойдоров. Ражаб Ҳидиров.....	127
--	-----

### **Илмий ҳаёт**

Ахмад Абдулласов.....	130
Одилжон Бозоров.....	132